



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI

TARJIMASHUNOSLAR FORUMI – 2023
(Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari)
2023-yil 14-dekabr, Toshkent

ФОРУМ ПЕРЕВОДОВЕДОВ – 2023
*(Материалы международной научно-практической
конференции)*
Ташкент, 14 декабря 2023 г.

TRANSLATION FORUM – 2023
(Proceedings of the international scientific conference)
December 14, 2023. Tashkent

“TARJIMASHUNOSLARI FORUMI – 2023” (Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari). –Toshkent: TDSHU, 2023. – 474 b.

UO‘K: 81’25

KBK: 81.2-7

T - 23

Ushbu to‘plamdan O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi Rayosatining 2023-yil 27-apreldagi 39-sonli bayoni va O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi 2023-yil 12-maydagi 118-sonli “2023-yilda o‘tkazilishi rejalashtirilgan xalqaro va respublika miqyosidagi ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘iga binoan 2023-yilning 14 dekabr kuni Toshkent davlat sharqshunoslik universitetida “Tarjimashunoslar Forumi – 2023” **Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman** ishtirokchilari, ushbu ilmiy yo‘nalishda tadqiqotlar olib borayotgan respublika OTMlarning professor-o‘qituvchilari, mutaxassislar va yosh tadqiqotchilarning tarjima tarixi, nazariyasi, amaliyoti va tanqidi, sinxron tarjima, shuningdek, xalqaro journalistikaga oid mavzular yoritilgan maqola va tezislari o‘rin olgan.

Tuzuvchi va mas’ul muharrir: filol.f.d., professor v.b. **Xayrulla Hamidov**

Konferensiya tashkilotchilari:

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti huzuridagi Konfutsiy nomidagi o‘zbek-xitoy instituti

Tashkiliy qo‘mita:

prof. G.Rixsiyeva – rais

prof. v.b. X.Hamidov

prof. S.Nasirova

dots. R.Sharipov

dots. N.Ismatullayeva

Taqrizchilar:

dots. Ergash Ochilov

dots. Nargiza Ismatullayeva

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti Kengashining 2023-yil 02-dekabrdagi 4-sonli qarori bilan nashrga tavsiya etilgan.

Muallif fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farq qilishi mumkin.

To‘plamdan o‘rin olgan maqolalarning saviyasi, sifati va ilmiy dalillarning haqqoniyligi hamda mazmuni uchun mualliflar mas’uldirlar.

© Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti, 2023

© TDSHU huzuridagi Konfutsiy nomidagi o‘zbek-xitoy instituti

Foydalaniman adabiyotlar ro'yxati

1. Klappenbach R. Feste Verbindungen in der deutschen Gegenwartssprache. Beiträge zur Geschichte der deutschen Sprache und Literatur. 82 Band. Sonderband. – Halle(Saale), 1961;
2. Умарходжаев М., О. Альзамов. Немисча- ўзбекча зооним компонентли ФБ лугати, – Андижон, 2016, –Б.51.
3. Умарходжаев М. Э., Назаров К.Н. Немисча- русча- ўзбекча фразеологик лугат. –Т.: Ўқитувчи.
4. ABBY Lingvo x5, Электронный словарь. Выпуск: 15.0.592.5 Артикул: 1043/2.
5. Baxtiyor Mengliyev, Mahbuba Xudoyberdiyeva, Oynisa Boymatova. O'zbek tili iboralarining o'quv izohli lug'ati. – Toshkent: «Yangi asr avlod», 2007.
6. Бинович Л.Э. Гришин Н.Н. Немецко- русский фразеологический словарь. 2-е издание. – М. 1975, 656 с.
7. Deutsch- russisches phraseologisches Wörterbuch. L.E. Binowitsch und N.N. Grischin. Verlag russische Sprache. – Moskau, 1975. – S.91.
- 8; Ismatullayeva, N. (2021, April). Phraseology with zoonomic components of "dragon" and "tiger" in chinese and korean languages. In *Oriental Conferences* (pp. 183-189).



ХИНДИЙ ТИЛИДА КЕЛИШИК КАТЕГОРИЯСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ГРАММАТИК ТЕРМИНЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМАСИ ХУСУСИДА

*PhD Камола РАХМАТЖОНОВА, Тошкент давлат шарқшунослик
университети, Тошкент, Ўзбекистон
Тел.: +998909474123; Email: kamolarahmatjonova@gmail.com*

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек замонавий ҳиндшунослигига ҳанузгача ўз ечимини топмаган келишик грамматик категориясининг кўрсатгичларини ифодаловчи, ҳиндий тилида ҲИДДИТ ‘vibhakti’, рус тилида эса послелог деб юритилувчи атаманинг ўзбекча таржимасида дуч келинадиган айрим муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида сўз боради. Ушбу мақолани ёзишда илмий ҳамда услубий адабиётларга таянилди.

Калит сўзлар: грамматик категория, келишик, послелог, вибхакти, парсарг, кўмакчи.

Аннотация. В данной статье говорится о некоторых проблемах, возникающих при узбекском переводе термина ҲИДДИТ ‘vibhakti’ на

хинди, и послелога на русский язык, который представляет собой показатели грамматической категории согласия, еще не нашедшей своего решения в современной узбекской индологии, и их решения. При написании статьи использовалась научно-методическая литература.

Ключевые слова: грамматическая категория, падеж, послелог, вибхакти, парсарг, вспомогательный.

Abstract. There are some problems in this, the term *vibhakti* in the Uzbek translation is an Indian language, and the Russian language, which represents the grammatical category of the noun, has not yet found its solution in modern Uzbek Indology. Scientific and methodical literature is used in writing the article.

Key words: grammatical category, case, poslelog, vibhakti, parsarg, auxiliary word.

Маълум бир тилдан бошқа тилга грамматик терминларнинг таржима қилиниши мураккаб ва тадқиқотчидан билим ва тажриба талаб қиласиган жараёндир. Чунки бир тилда мавжуд грамматик термин иккинчи тилда айнан мос ҳолатда учрамаслиги мумкин. Бироқ бу танланган тил грамматикасида мазкур функцияий вазифанинг мавжуд эмаслигидан далолат бермайди. Жумладан, ҳиндий ва ўзбек тилларининг грамматик қатламида келишик категорияси мавжуд. Ўзбек тилида мазкур термин келишик дейилса, ҳиндий тилида қонъ ‘ka:rak’ деб юритилади. Бу грамматик категория икки тилда ҳам айнан бир функционал вазифани бажаради, яъни келишиклар муайян қўшимчалар воситасида гапда сўзларни бир бирига боғлаш учун хизмат қиласиди.

Машҳур тилшунос олим Ж. Лайонз маълумотига биноан келишик – отнинг грамматик категорияси ҳисобланиб, мазкур от нарса-предмет ва ҳодиса билан ифодаланган муносабатни англатувчи категорияний маънони билдиради ва шу билан гапдаги бошқа сўзларга нисбатан муносабатини ифодалайди [4, 9].

Келишик категориясининг аниқ ифода шакли – келишик шакллари бўлиб, аниқ товуш қаторларидан иборат морфемалардан тузилган, улар асос морфемалар билан бирга сўзга аниқ маъно беради. Ўзгариш тизимини вужудга келтирувчи келишик шаклларининг йифиндиси турланиш дейилади [4, 9].

Ҳинд тилшуноси В.Прасаднинг фикрича, гапда от ва олмошларни бошқа сўзлар билан боғловчи грамматик категория – қонъ ‘ka:rak’ дейилади, мазкур термин ўзбек тилида вазифасига

кўра айнан келишикка мос келади. Шунингдек, от ёки олмошнинг феъл билан муносабатини таъминловчи грамматик категория ҳам келишикдир. Олимнинг таъкидлашича, ҳиндий тилида от ёки олмошнинг □□ ‘ne’, □□ ‘ko’, □□ ‘se’ каби послелоглар билан бириккан ҳолатда келиши келишик категориясиdir. Шундай послелоглар билан келган сўзлар бошқа сўз билан бирикса, сўз бирикмалари ҳосил бўлади. □□ ‘ne’, □□ ‘ko’, □□ ‘se’ каби послелоглар турли келишикларга хосдир. Мазкур послелоглар от ёки феъллар билан бирикиб, □□□□□ ‘ka:rakpad’ «келишикли бирикма» ёки □□□□□□□ ‘kriya:pad’ «феълли бирикма» ларни ҳосил қиласди. Бундай бирикмаларсиз биронта жумлани тасаввур қилиш мумкин эмас.

Масалан, □□□□□□□ □□ □□ ... □□□□□ □□ □□□□□□ □□
□□□ □□□□ □□□ ‘Ra:mchandra ji: ne ... samudr par bandaroN se
pul baNdhva: diya:’. «Рамчандар ... денгизда маймунлардан
кўприк ясаттирди.».

Бу гапда □□□□□□□ □□ □□ ‘Ra:mchandra ji: ne’ «Рамчандар (бош келишикда, гапдаги иш ҳаракат тугалланган замонда)», □□□□□ □□ ‘samudr par’ «денгизда», □□□□□□ □□ ‘bandaroN se’ «маймунлардан» ва □□л ‘pul’ «кўприк» отларнинг турли хил кўринишлари бўлиб, мазкур отлар бандхва дія ‘baNdhva: diya:’ «ясаттирди» феъли билан боғланган [5,101].

Олим ҳиндий тилидаги келишиклар сонини саккиста деб кўрсатади ҳамда келишикларни ифодалаш учун от ёки олмошлардан кейин маҳсус белгилар қўйилади, мана шу белгилар ҳиндий тили грамматикасида **ви�актия** ‘vibhaktiya:N’ дейилади (бу ерда **ви�актия** ‘vibhaktiya:N’ – **ви�акти** ‘vibhakti’ нинг кўплик шакли). Баъзи ҳиндшунос олимлар мазкур келишик қўшимчаларини **парсарг** ‘parsarg’ деб ҳам юритадилар, мазкур сўзнинг луғавий маъноси тиллардаги предлогга айнан мос тушади. Яна бир ҳиндшунос олим К.Важпейининг «келишик қўшимчаларини **ви�актия** ‘vibhaktiya:N’ деб номлаш бизга анъанага айланган, уни **парсарг** ‘parsarg’ сўзи билан алмаштириб қўллашдан не наф?» иборасига қатъий урғу беради. Шу фикрларга таянган ҳолда келишик қўшимчаларини анъанавий йўлдан бориб, **ви�акти** ‘vibhakti’ деб аташ тўғри бўлади, дейди. Фикримизча, мазкур терминнинг вазифавий ҳолатидан келиб чиқиб, ўзбек тилида

изоҳланса, келишик шакллари ёки келишикни ифодаловчи шакл ясовчи аффиксал морфема дейиш тўғри бўлади [1, 19].

Яна бир ҳинд тилшуноси Ҳариванш Синҳга кўра, ҳиндий тилида келишик **қарқ** ‘ka:rak’, предлог **парсарг** ‘parsarg’ ҳамда қўшимча **ви�акти** ‘vibhakti’ ўртасида фарқ бор. Аммо кўпинча мазкур сўзларнинг маъно муносабатида тушунмовчилик ва чалкашлик юзага келади. Унинг фикрича, **ви�акти** ‘vibhakti’ термини санскрит тилида аффикснинг бир тури сифатида ишлатилган. Панини ўз грамматикасида аффиксларни иккига бўлган: от ва сифатлар билан ишлатилувчи қўшимчалар ва феъллар билан ишлатилувчи қўшимчалар. Мазкур қўшимчаларни у умумий тарзда **ви�акти** ‘vibhakti’ деб номлаган. **парсарг** ‘parsarg’ предлог бўлиб, у анча замонавий термин ҳисобланади ҳамда гапда сўзларни бир бири билан боғлади. **қарқ** ‘ka:rak’ келишик термини эса, гапда сўзларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қиласидиган грамматик категория номидир [5, 102].

Юқоридагилардан кўринадики, ҳиндий тилидаги келишик категориясини ифодаловчи шаклларнинг қандай номланиши ҳиндшунос олимлари орасида ҳам баҳс-мунозарали мавзудир. Бу эса ўз навбатида ўзбек ҳиндшунослари ўртасидаги мунозарали ҳолатга олиб келиши табиий.

Маълумки, Ўзбекистонда ҳиндий тили қарийб 80 йилдан буён ўргатилиб келинмоқда. Дастрлаб ҳиндий тили рус тилшунослари томонидан нашр қилинган дарслик ва ўкув қўлланмалар ёрдамида рус профессор-ўқитувчилар томонидан ўргатилган. Ҳозирги кунда эса бир қатор ўзбек ҳиндшунос олимлари етишиб чиқкан. Улар томонидан ҳиндий тили ўргатилинмоқда.

Ўзбек тилида ҳиндий тили грамматикасининг ифодаланишидаги бир қатор терминлар каби келишик шаклларининг ҳам қандай номлаш ҳанузгача муҳокама талаб қиласидиган мавзу бўлиб қолмоқда. Ўзбек ҳиндшунослигига ҳиндий тилидаги келишик қўшимчаларини ифодаловчи воситаларни кўп ҳолларда орт кўмакчи деб келтирилгани кўзга ташланади⁷. Ваҳоланки, “Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати” ҳамда “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” да орт кўмакчи термини учрамайди. Мазкур адабиётларга кўра, кўмакчилар – от ёки отлашган сўзлардан кейин келиб, восита, мақсад, сабаб, вақт, макон

⁷ Асосан ҳиндий тили дарсликлиарида шундай ҳолат кузатилади. Жумладан, Р.А.Аулова, Б.Р.Рахматов, М.Қ.Содикова “Ҳиндий тили” дарслиги 1-қисм, Тошкент, 2008.

каби муносбатларни билдирувчи ёрдамчи сўзлар: билан, учун, сингари, сайин, қадар ва ҳ.к. Ўзбек тилидаги кўмакчилар уч турга бўлинади: асл кўмакчилар, от кўмакчилар, феъл кўмакчилар [1, 53].

Фикримизча, ҳиндий тилида келишик кўрсатгичларини таҳлил этишда орт кўмакчи терминини ишлатиш мос келмайди. Мазкур термин рус хиндшунослари томонидан послелог деб юритилади. «Словарь лингвистических терминов» луғатига кўра, послелог – отдан кейин кўлланилувчи ва отнинг гапда бошқа сўзларга муносабатини ифодалаш вазифасини бажарувчи ёрдамчи сўзлардир. Послелоглар гапда бажарадиган вазифасига кўра, предлогларга жуда ўхшашдир [3, 271].

Тадқиқот жараёнида аутентик материаллар асосида қуйидаги хулосага келинди, ҳиндий тилидаги келишик кўрсатгичларини икки грухга ажратиш мумкин: послелоглар ($\dot{\text{н}}$ ‘0, ҳиндий тилида ўтимли феъллар ўтган замонда келган эгадан кейин ишлатилади’, $\dot{\text{ко}}$ ‘-ни, -га’, $\dot{\text{с}}\text{е}$ ‘-дан’, $\dot{\text{ка}}$ ($\dot{\text{ке}}$, $\dot{\text{ко}}$) ‘-нинг’, $\dot{\text{м}}\text{е}$ ‘-да (ичида)’, $\dot{\text{п}}\text{р}$ ‘-да (устида)’ ва кўмакчилар эса ($\dot{\text{с}}\text{е}$ ‘билан’, $\dot{\text{м}}\text{е}$ ‘орасида’) каби.

Кўринадики, ҳиндий тилидаги келишик кўрсатгичи ҳисобланган бир морфема бир вақтнинг ўзида ҳам келишик шакли бўлган морфема ҳам кўмакчи вазифасини бажариши мумкин. Қандай вазифада келаётгани гап мазмунидан англашилади.

Бироқ тадқиқот натижасида умумий тилшунослик нуқтаи назаридан орт кўмакчи грамматик термини учрамади ҳамда ҳиндий тилида келишик кўрсатгичларини ўзбек тилига орт кўмакчи термини билан аташ бироз ғализрок. Чунки ўзбек грамматик терминлари орасида орт кўмакчи атамаси мавжуд эмас. Фикримизча, мазкур термин ўзбек хиндшунослигига послелог тарзида ишлатилгани маъқул. Аутентик материаллардан кўринадики, ҳиндий тилида послелог ҳамда кўмакчи терминларининг маънолари деярли бир хил, айни чоғда улар орасида семантик ҳамда функционал фарқлар ҳам учрайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1] – А.Хожиев Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати, Т.
- [2] – Ўзбек тилининг изоҳли луғати А.Мадвалиев таҳрири остида, 2006-2008.
- [3] – Жеребило Татьяна Васильевна Словарь лингвистических терминов, 2010.
- [4] – Лайонз Дж. Введение в теоретическую лингвистику, пер.с.англ. – М., Наука, 1978.